

Ўзбекистон  
Республикасининг  
ҚОНУНИ



ЗАКОН  
Республики  
Узбекистан

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатланувчи ускуналарга  
нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенцияга  
(Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) ва Ҳаракатланувчи ускуналарга  
нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенциянинг  
Авиация ускуналари бўйича протоколига (Кейптаун,  
2001 йил 16 ноябрь) қўшилиши тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 6 декабрда  
қабул қилинган  
Сенат томонидан 2017 йил 20 декабря  
маъқулланган

Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) ва Ҳаракатланувчи ускуналарга нисбатан халқаро кафолатлар тўғрисидаги Конвенциянинг Авиация ускуналари бўйича протоколига (Кейптаун, 2001 йил 16 ноябрь) қуидаги баёнотлар билан қўшилинсан:

1) **Конвенциянинг 53-моддаси** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судлари Конвенциянинг 1-моддаси ва XII боби мақсадлари учун тегишли судлар ҳисобланади;

2) **Конвенциянинг 54-моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Конвенцияга мувофиқ кредиторда мавжуд бўлган, унинг қоидаларидан бирида судга мурожаат қилишни талаб қилувчи сифатида аниқ белгиланмаган ҳукукларни химоя қилишнинг барча усуллари суд ҳаракатларисиз ва суднинг рухсатисиз қўлланилиши мумкин»;

3) **Протоколнинг XXX моддаси 1-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, у Протоколнинг VIII, XII ва XIII моддалари қоидаларини қўллайди»;

4) **Протоколнинг XXX моддаси 2-банди** бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, у X моддани тўлиқ ҳажмда қўллайди ва X модданинг 2-бандида қайд этилган вақт даврининг давомийлиги Конвенциянинг 13-моддаси 1-банди а), б), с) кичик бандларида кўрсатилган химоя воситалари учун кўпи билан ўн календарь кунни ҳамда

Конвенциянинг 13-моддаси 1-банди д), е) кичик бандларида кўрсатилганлари учун кўпи билан ўттиз календарь кунни ташкил этади»;

5) Протоколнинг XXX моддаси 3-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикаси баён қиласиди, у XI модданинг А вариантини начорлик бўйича тартиб-таомилларнинг барча турларига нисбатан тўлиқ ҳажмда кўллади ва XI модданинг 3-банди мақсадлари учун муддатни кечикириш даврининг давомийлиги олтмиш календарь кунни ташкил этади».

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

Ш. Мирзиёев



Тошкент шаҳри,  
2017 йил 28 декабрь  
№ УРҚ-453